





*Ҳайрат* эмоцияси фавқулодда рўй берган ҳолатлардан ҳиссий жиҳатдан таъсирланишнинг ўзига хос ифодаси бўлиб, кишиларнинг соф субъективлик хусусиятини акс эттириши орқали ўзига хос мунозарали эмоциялардан бири эканлиги билан ажралиб туради. Айрим психологлар, хусусан, А.Лук *ҳайратланиш* эмоциясини *нейтрал* эмоция сифатида [Лук 1982: 24], И.Синелникова эса уни бадий матнлардаги маъно оттенкаларига кўра *бивалентли* эмоция сифатида тавсифлайди [Синельникова 2013:97]. Кўриниб турибдики, *ҳайратланиш* эмоцияси на ижобий, на салбий маъно касб этади. Айрим тадқиқотчилар томонидан таъкидланганидек, *ҳайрат* бошқа эмоциялар билан узвий боғлиқ [Чертыкова 2015:87; Гинойн, Хомутов 2010: 28-29]. Масалан, ушбу ҳолатни *қўрқув* ёки *муҳаббат* эмоцияларида фаол тарзда кузатиш мумкин. Юқоридаги фикрларга кўра бу эмоцияни нейтрал эмоция қаторида ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, аксарият йиғилган французча ЭФБларда ҳам ушбу эмоциянинг бир жойда қотиб қолиш кўринишидаги статив ҳолати акс этади. Масалан, *rester comme une bûche ; rester comme frappé par la foudre ; rester clou sur place* ; ва бошқа вербал ЭФБлар шулар жумласидандир. Ҳайратнинг бу турдаги, яъни *қаққайиб қотиб қолиш* шакли кўпинча *қўрқув* эмоциясида содир бўлади. Бу эса *ҳайрат*ни қўшимча “аксессуар” эмоция сифатида ҳам талқин қилиш имконини беради. Шунингдек, француз фразеологиясида *ҳайрат* эмоциясининг *оғиз очилиб қолишу (rester la bouche bée;)* каби соматик шакли ҳамда умумий *ҳайрат* ёки *таажуб* шакллари (*être surpris comme une poule trouvé un couteaux; être étonné comme un fondeur de cloches*) ҳам учрайди. ЭФБлардаги *ҳайрат* кучининг даражасига келсак, барча ЭФБларда *лол қолиш* - *кучли ҳайрат* ҳолати бирдек кузатилади.

*Хотиржамлик* - субъектив ички руҳий ҳолат сифатида француз фразеологиясида асосан, *қалб осойишталиги* ва *таскин* маъносигадаги ЭФБлардан иборатдир. Масалан, *être tranquille comme Baptiste; se tenir à carreaux* – *хотиржам ўтирмак; être comme un saint dans sa niche* -

*ўта хотиржам бўлмоқ; prendre haleine ; prendre son calme - ўзини қўлга олмоқ, тинчланмоқ; avoir son esprit en repos - таскин топмоқ; ва ҳоказо.*

Ж.Лакофф ва М.Жонсонларнинг таъкидлашича, инсон психикаси вертикал ва горизонтал тарздаги параметрик хусусиятларга боғлиқ бўлиб, бундай хусусиятлар барча турдаги эмоцияларни аниқлашда ҳам қўл келади [Lakoff, Jonson 1980:242]. Хусусан, *хотиржамлик* эмоционал ҳолатида эса тананинг кескин мимикаларсиз ўзгармас вертикал ҳолати инобатга олинади. Шу сабабли экстралингвистик ифода воситаларига деярли эга бўлмаган *хотиржамлик* эмоцияси вербал ЭФБлар таркибида жуда озчиликни ташкил этади. И.Синельникова таърифлаганидек, *хотиржамлик* эмоционал ҳолатнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади [Синельникова 2013:28]. Шунинг учун ҳам французча вербал ЭФБларда хотиржамликнинг даражаланиш хусусияти деярли кузатилмайди.

*Бепарволик – апатик\** эмоция ҳисобланиб, кишиларнинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан пассив муносабатини акс эттиради. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳиссиётсиз инсоннинг ўзи бўлмайди ва шу сабабдан ҳам бепарволикни *қалб эмоцияси* деб ҳисоблаш мумкин. Психологларнинг таърифича, *бепарволик* риторик эмоция, негаки унда “диққат марказидан ташқари” деган тушунча бор, яъни бепарво одам суҳбатдошини кўрмайди, эшитмайди ва ҳоказо [<https://dongji.ru/chto-takoe-ravnodushie>]. Бу эса, албатта, соф субъектив ички эмоциядан дарак беради. Масалан, французча вербал ЭФБларда унинг бепарволик (*n’écouter q’une oreille; baisser les bras;*), паришонхотирлик (*avoir la tête en l’aire; marcher à coté de ses pompes;*) ва бафарқлик (*ne faire ni chaud ni froid; avoir le coeur dur;*) каби кўринишлари учрайди.

Бепарволикка икки томонлама ёндашиш мумкин, бепарво муносабатга дуч келган киши, яъни суҳбатдош учун бу – салбий эмоция, бепарволик қилаётган киши учун - нейтрал эмоциядир, чунки ушбу эмоция инсонларда ташқи томондан на салбий, на ижобий ҳолатни ифодалайди. Йиғилган фактик мисоллар *бепарволик* эмоциясида кучли ёки кучсиз даража кўриниши мавжуд эмаслигини, қолаверса, барча нейтрал (*ҳайрат, хотиржамлик, бепарволик*) эмоцияларни монокластерли эканлигини исботлайди.

Ушбу кластерли таҳлил натижасидан нейтрал эмоцияларни тасвирловчи вербал ЭФБлар тақсимооти қуйидагичадир:

\* Апатия-бу бафарқлик бўлиб, унда эмоциялар мавжуд бўлмайди. "Апатия" сўзи юнонча "pathos " — "эмоция, ҳис-туйғу ва азоб" сўзидан олинган бўлиб, унга "а" префиксининг қўшилиши инкор маънони англатади, яъни *эмоциясиз, ҳис-туйғусиз* тушунчасини ифодалайди.

Хотиржамлик	Бепарволик	Ҳайрат	Жами:
17	16	15	48 та
36%	33 %	31 %	100 %

Француз фразеологиясидаги ЭФБларда акс этган *хотиржамлик*, *бепарволик* ва *ҳайрат* нейтрал эмоциялари деярли бир хил даражада мавжуд бўлиб, улар салбий ва ижобий эмоциялардан ўзининг интенсивликка эга эмаслиги билан, соф субъектив ички руҳият эканлиги билан, субъект томонидан назорат қилиниши билан ва қўшимча “аксессуар” эмоция бўла олиши билан ажралиб туради.

### АДАБИЁТЛАР:

1. G'oziyev E. Psixologiya. –Toshkent: „O'qituvchi“ NMIU, 2017. -352 b.
2. Lakoff G., Jonson M. Metaphors we live. –Chikago:University of Chikago Press, 1980. -242p.
3. Лук А.Н. Эмоции и личность. –Москва: Знание, 1982. -176 с.
4. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: “Сангзор” нашриёти, 2006. -92 б.
5. Синельникова И. Эмотивные фразеологизмы французского языка в полевом аспекте: моногр. –Белгород: ИД “Белгород” НИУ “БелГУ”, 2013. -188 с.
6. Чертыкова М. Д. Глаголы со значением эмоции в хакасском языке: парадигматика и синтагматика. Отв. ред. Ю. В. Псянчин. – Абакан: Издательство ФГБОУ ВПО Хакасский государственный университет, 2015. -160 с.
7. Шаховский В.И. Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка. – Воронеж : Изд. Воронежского ун-та, 1987. -190 с.
8. Юсупова М., Сувонова Н.Н. К проблеме содержания термина «сценарий/скрипт» в когнитивной лингвистике. // Научные школы. Молодёжь в науке и культуре XXI века. – 2018. – С. 74-77.

### Интернет манбалар:

9. Ashurov Sh., Suvonova N. Linguistic, Psychological and Theological Interpretation of “White” Colour (in the example of the French and Uzbek languages) / Journal of Positive School Psychology 2022, Vol.6, No.4, 9550 – 9560. Scopus Source:<https://www.scopus.com/sourceid/21101044228>
10. Демьянков В.З., и др. 2002. / Лингвопсихология как раздел когнитивной лингвистики, или: Где эмоция – там и когниция / [elibrary.ru](http://elibrary.ru)
11. Зачем нам нужен смех. <https://nauka.tass.ru/nauka/11040267>



12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.
13. Что такое равнодушие. <https://dongji.ru/что-такое-ravnodushie>
14. <https://www.dictionnaire-academie.fr>.
15. <https://www.linternaute.fr/expression/>
16. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/tafakkur-gulshani>
17. <https://nauka.tass.ru/nauka/11040267>

